Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 22 ноябрь, сешанба №172 (21.746) Сотувда эркин нархда.

ТЎҚИМАЧИЛИК МАЖМУИ ИШГА ТУШДИ

Қорақалпоғистон Республикаси, 21 ноябрь. (ЎзА махсус мухбирлари А. Хўжа ва А. Искандаров хабар қилади).

Бугун Орол бўйидаги йирик тўқимачилик мажмуи — "Элтекс" Элликқалъа тўқимачилик комбинати ишга туширилиши муносабати билан тантанали митинг бўлди. Уни Қорақалпоғистон Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков кириш сўзи билан очди. У мазкур тўқимачилик мажмуининг қисқа муддатда бунёд этилгани, унда туркиялик ҳамкорлар самарали ёрдам берганини таъкидлади.

Хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда қуриб битказилган ип йигирув, тўқув фабрикаларига Италиянинг "Некки", "Савио", "Марзоли", "Ремолди" ҳамда Германиянинг "Дрюкон Адлер" фирмаларидан келтирилган 255 дастгоҳ ўрнатилди. Компьютер ёрдамида бошқариладиган 40 та "Сомет" русумли дастгоҳ ҳам йилига 2400 тонна калава ип тайёрлайди. Қўшма корхонанинг барча кадрлари маҳаллий ёшлар. Уларга Италия, Франция ва Туркиядан келган мутахассислар касб сирларини ўргатди.

Тўқув фабрикасида йилига 6 миллион квадрат метр жинси матоси ишлаб чиқарилади. Пардозлаш фабрикаси ҳам юқори сифатли технология билан жиҳозлангани боис тикув фабрикасидан жаҳон андозаларига мос бежирим кийимлар чиқарилмоқда.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Ю. Пайгин, "Язекс" корпорациясининг бош директори Тўрғайбей Жинар, Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов, Элликқалъа тумани ҳокими А. Тожиев ва бошқалар сўзга чиқди.

Митингда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Р. Йўлдошев қатнашди.

ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИГАН БЎЛАДИ

Ургутликларнинг ибратли ишлари ҳақида кўп ёзилади. Боиси туманнинг қай жабҳасига қараманг бугун талай-талай хайрли юмушлар... Одамлар эзгулик, яратиш ишқида. Хайрли, савоб ишларнинг этагини тутишмоқда. Бунга яқинда туманнинг "Самарқанд" номли жамоа хўжалигида иш бошлаган тери ошлаш корхонасининг ишга тушиши яққол мисол бўла олади.

Ахир биз яқин-яқингача соф чарм-терилардан тикилган кийим-кечакларни белоруслар ёки арманлар тайёрлашини билардик. Лекин соф териларнинг асли манбаи қаер эканлигини суриштирмасдик. Хуллас, биз тери ошлаш ва уни қай даражада иқтисодиётимизга фойда беришини ҳатто хаёлга келтирмасдик. Агар ушбу тармоқ республикамизда ривожлантирилса бормн, қанчаданқанча тери заҳиралари, хомашё бор. Ундан кейин чарм-тери маҳсулотларига бўлган талабни қанчалик чаққонлигини айтсак...

Демак, енгил саноат тармоқлари ҳам замонга боқиб, одамлар хоҳишига, дидига мос ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши керак. Тери ошлаш ва уни қайта ишлаш давр талаби бўлиб бормоқда.

Ҳозирча эса корхонада бир кунда 50 донадан ортиқ тери ошланиб, қайта ишланмоқда. Тез орада маҳсулотимиз хорижникидан қолишмайдиган бўлади. Бунга ушбу корхонанинг илк фаолияти билан танишганимизда ишонч ҳосил қилдик.

СУРАТДА: Тери ошлаш ва қайта ишлаш корхонасида тайёрланаётган маҳсулот сифатини мутахассис Одил Исмон ўғли, Абдужаббор Раҳматуллаев ҳамда корхона раҳбари Қобул Насруллаев текширмоқда.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

Ўзбекистон ва жаҳон

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

1993 йил 22 ноябрда Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси Буюк Британияга расмий ташриф буюрган эди. Ушбу расмий ташриф икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди.

Тарихий ҳужжатларга назар ташласак, Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги алоқалар узоқ ўтмишга бориб тақалишининг гувоҳи бўламиз. Генрих IV нинг 1403 йилда Амир Темур ва унинг ўғли Мироншоҳга мактублар йўллагани фикримизга мисол бўла олади. Ўша даврда Европада юзага келган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шарт-шароит минтақа халқлари қатори инглизларни ҳам Шарқ мамлакатлари билан алоқа ўрнатишни тақозо этди. Зеро, буюк Амир Темур вужудга келтирган улкан салтанат нафақат Осиёнинг, балки, Европанинг ҳам диққат марказида турарди. Орадан қарийб беш аср ўтиб икки буюк халқнинг авлодлари яна бир-бири билан ўзаро алоқаларни тиклади. Икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ана шу тарихий воқеага ҳам бир йил тўлди. Ўшанда юртбошимизнинг Буюк Британияга расмий сафари чоғида икки мамлакат ўртасида маданий-маърифий, илмий-техникавий, иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш хусусида батафсил келишиб олинди. Ташриф самарасини эса ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ҳозирги пайтда Буюк Британиянинг дунёга машҳур бир қанча фирмалари ва банклари республикамизда фаолият кўрсатмоқда. Республикамиз Президенти Ислом Каримов билан Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш борасида битим тузилган эди.Шу битимга мувофиқ ўшу йилнинг май ойида Буюк Британия савдо-саноат вазири Тимоти Эггар бошчилигидаги Буюк Британия делегацияси Ўзбекистонга келди. Учрашувда Ўзбекистон ва Буюк Британия қўшма корхоналари тузиш ҳақида келишиб олинди. Кейинроқ Тошкентда икки давлат ишбилармонлари иштирокида тадбиркорлар анжумани ўтказилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда турли соҳаларда 14 та Ўзбек-Буюк Британия қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Тошкентдаги "Рен ксерокс", "Лонро", "Девенпорт трейдинг энл инвест менжа ЛТД", "Мередим Жонс" ва "Квик стоп шопинг" каби фирмалар шулар жумласидандир.

Тошкентдаги "Лонро моторо3" қўшма корхонаси автомобилларга техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланмоқда, "Мередим Жонс" эса Ўзбекистонда пахта толасини тайёрлашдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларда ўз лойиҳаларини таклиф этган. "Барклайз банк", "Нот вест банк"лари мамлакатимизда нефтни қайта ишлашда ва енгил саноатни маблағ билан таъминлаш юзасидан иш олиб бормоқда.

Мамлакатимиз табиий қазилмаларга бой ҳудудлардан ҳисобланади. Бугунги кунда республикамиз раҳбарияти ушбу бойликлардан халқимиз фаровонлигини ошириш, иқтисодиётни ривожлантириш йўлида фойдаланишга интилаётир. Бу борадаги ҳамкорликка хорижий сармоядорлар ҳам катта қизиқиш билдиришмоқда. Октябрь ойининг ўрталарида Лондондаги қимматбаҳо тошлар бозори уюшмаси Навоийдаги олтинни қайта ишлаш заводи маҳсулотларига юқори баҳо берганини эълон қилди. Шу йилнинг июнь ойида Буюк Британиянинг тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллаб турган "Б. А. Т. индастриз" корпорацияси билан Ўзбекистонда тамаки ишлаб чиқарадиган қўшма корхона очишга келишиб олинди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси учувчилари бошқараётган "А-310" евроаэробуси Тошкентдан Лондонга мунтазам қатнай бошлаши нафақат икки давлат ўртасидаги алоқаларни балки, Осиё-Европа ҳамкорлигининг ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшаяпти. Куни кеча эса яна бир хайрли иш амалга оширилди. Буюк Британиянинг Манчестр шаҳри билан Тошкент ўртасида самолёт қатнови йўлга қўйилди. Ўтган йили Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасида 159 миллион АҚШ доллари ҳажмида савдо-сотиқ ишлари амалга оширилган бўлса, бу кўрсаткич шу йилнинг 9 ойи мобайнида 146 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бу алоқаларимиз ривожланиб бораётганидан далолат бериб, икки давлат ўртасидаги ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосида қурилган ҳамкорликнинг истиқболли бўлишига ишонч уйготади.

Саид МУРОД.
(ЎзА).

ҒАЛЛА КЎПАЯДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловолди Сиёсий дастурида яқин келажакда республикамизнинг ғалла мустақиллигига эришиш вазифаси илгари сурилган. Зомин туманидаги "Ғалаба" ижара ширкатлари уюшмаси жамоаси бу хайрли ишга сидқидилдан киришиб, суғориладиган ғалла майдонларини икки ҳиссага оширди. Келгуси йил ҳар гектаридан 35 центнердан ғалла ҳосили олишга пухта замин яратилмоқда. Бир текисда ундириб олинган ниҳолларни суғориш, озиқлантириш бошланди.

— Кузда 150 гектар майдонга ғалла экдик, — дейди бирлашма раиси Абдулла Холматов. — Чўл шароитида юқори ҳосил олса бўладиган навларни кўпайтиришимиз керак. Давлат топшириғини бажариш, халқимизнинг талабини қондириш биз ғаллакорларнинг асосий вазифамиздир.

Бугун уюшма жамоаси яна бир ғалабани қўлга киритди. Давлатга 5500 тонна пахта топширилиб, йиллик режа ошиғи билан уддаланди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Тошкент Давлат аграр университетида "Қишлоқ хўжалигида лойиҳавий таҳлил" мавзуида халқаро семинар иш бошлади.

Уни университет билан Вашингтондаги Бутунжаҳон Банкни иқтисодий ривожлантириш ва Гаага шаҳридаги социал тадқиқотлар институтлари ҳамкорликда ташкил этганлар.

Анжуман асосан бозор иқтисодиёти масалаларига бағишланади. Уни ТошДАУ ректори, академик Э. Шайхов очди. Халқаро семинарда республикамизнинг ва жаҳоннинг кўзга кўринган таниқли олимлари сўзга чиқдилар. Анжуман қатнашчилари университетнинг ўқув-ҳисоблаш маркази, семинар ўтказиладиган жойлар, кўргазма зали ва музей билан танишдилар.

Семинарни ўтказиш икки босқичга мўлжалланган. Дастлаб мутахассислар 20 кун мобайнида лойиҳавий таҳлил асосларини ўрганадилар. Сўнгра амалий ишлар билан танишадилар. Яъни улар бир ҳафта мобайнида Юқори Чирчиқ туманидаги "Олға" жамоа хўжалигида бўлишиб, янги ерларни ўзлаштириш ишларини ўрганадилар, бозор иқтисодиёти шароитида амалга оширилаётган ишлар билан танишадилар.

Халқаро семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Диққат: янгилик!

ОМАДИНГИЗ КЕЛСИН!

Янги йил арафасида нимани орзу қилсангиз, ўша орзуингиз ушалади, деган гап бор. Кутилмаган совға олишни, бахт этагидан ушлашни орзу қилаётганлар ҳам ўз орзуларига эришишлари мумкин. "Совға" деб номланган янги пул-буюм лотереясининг муассислари яқинлашиб келаётган янги йил арафасида бизга ана шундай имконият ҳадя этишди. Муассислар орасида республика Молия вазирлиги, Марказий банки, Ўзбекистон жамғарма банки, "Ўзбексавдо" Давлат акционерлик уюшмаси, "Ўзбекбирлашув" бор.

ЎзА мухбирининг илтимосига биноан, республика молия вазирининг ўринбосари Абдулла Абдуқодиров 1994 йилда янги лотерея ўйинини ўтказиш шартлари ва тартибини шарҳлайди:

— Маълумки, бу йил республикамиз ҳукумати аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан катта тадбирларни амалга оширди. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш 1995 йилда ҳам давом эттирилади ва кучайтирилади. Бироқ, ҳаракатда — барака, деганларидек, биз ҳам ҳаракат қилиб, ижтимоий дастурларни пул билан таъминлашнинг қўшимча манбааларини топиш мақсадида аҳолининг пулини жалб этишга ахд қилдик. Шу мақсадда ва республикада пул муомаласининг мустаҳкамланиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси "Совға" лотереясини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди.

— Лотереяга бундай жозибали ном берилиши тасодиф эмасдир?

— Тасодиф эмас, албатта. Лотерея ўйини республика аҳолисига янги йил арафасида яхши совға бўлади. Ўйин байрам арафасида — 28-29 декабрь кунларида Тошкентда бўлиб ўтади. Билетнинг баҳоси қиммат эмас — атиги 10 сўм. Аммо, омадингиз келиб қолса, қиймати 5200 АҚШ доллари ёки 187 минг сўм турадиган "Тико" Жанубий Корея автомобилини ютишингиз мумкин. Дарвоқе, қирқта ана шундай машина ўйналади. Умуман, соврин жамғармаси жуда катта.

— Омади қулиб боққан кишилар яна нималарни ютиши мумкин?

— Ютуқлар орасида 35 хилдан ортиқ буюм бор. 400 та "Фунаи" видеоаппарати, телевизорлар, Хива гиламлари, юмшоқ мебел, ошхона мебели шулар жумласидандир. Лотереяни сотишдан тушадиган пулнинг етмиш фоизи ютуқларга сарфланади. Бу — жуда катта пул. Одатда ютуқни тўлашга тушумнинг эллик фоизи ажратилар эди. Бу лотерея ҳукумат ҳомийлигида чиқарилгани ва мустақил Ўзбекистонда биринчи марта ўйналаётгани сабабли муассислар ютуқни тўлашга кўпроқ пул ажратишни лозим топди.

Чиқарилган лотерея билетларининг умумий сони 20 миллион дона. Унда 140 миллион сўмлик 2.476 мингта ютуқ ўйналади. Шундан 88 минг 12 таси буюм ва 2.387.800 таси пул ютуғидир.

— Лотерея билетлари қачон сотишга чиқарилади, уларни қаерда сотиб олиш мумкин?

— Республика ҳудудида 20 ноябрь куни Ўзбекистон жамғарма банки, алоқа бўлимлари, давлат савдоси ва матлубот кооперацияси корхоналари орқали, шунингдек, шартнома асосида жалб этилган шахслар ёрдамида лотерея билетларини сотиш бошланди.

— Ютуқларни ўз вақтида тўлашга кафолат бериладими, бу иш қай тартибда амалга оширилади?

— Лотерея бўйича пул ютуқларини Ўзбекистон жамғарма банкининг барча муассасалари ютуқ чиққан билет тақдим этилиши биланоқ тўлайди. Буюм ютуқлари эса ютуқ чиққан билет текширилганидан сўнг тўланади. Бундай буюмларни Ўзбекистон жамғарма банкининг ҳужжатлари асосида "Ўзбекбирлашув"нинг "Матлуботчи" савдо акционерлик жамияти топширади ва жўнатади.

Лотерея билетлари пул ёки буюм ютуқларини олиш учун 1995 йил 30 июнга қадар тақдим этилиши мумкин. Шу муддатдан сўнг улар қучини йўқотади ва тўлаш учун қабул қилинмайди.

— Лотерея ўйини қаерда ва қандай ўтказилади?

— Лотерея ўйини бу байрамда иштирок этувчилар учун қувончли янгилик бўлади, деб ўйлаймиз. Уни Ўзбекистон пойтахтидаги "Наврўз" саройида ўтказишни режалаштирганмиз. 28-29 декабрь кунлари шу ерда кўп артистлар ва ҳаваскор жамоалар маҳоратларини намойиш этади. Шаҳардаги корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш илғорларига, лотерея ўйинида иштирок этишга жалб қилинадиган фан ва санъат арбобларига таклифномалар юборилади. Байрам савдосини ташкил этиш ҳам мўлжалланмоқда.

Хуллас, республикамиз аҳолисини хурсанд қилишга, янги йил байрами улар учун янада қувончли бўлишига ҳаракат қиламиз.

Л. СТРУННИКОВА.

СЕМИНАР ИШ БОШЛАДИ

21 ноябрда Тошкентда "Маҳсулот ва хизматни харид қилиш тартиби" мавзуида минтақавий семинар иш бошлади. Жаҳон банки ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу анжуманда Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ҳамда Озарбойжон республикасидаги банк тизими ходимлари иштирок этмоқда.

Семинарни жаҳон банкининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари Парвез Ҳасан очди. Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича маслаҳатчиси Харбакш Сети банк фаолияти ва тузилмалари ҳақида маъруза қилди. Маълумки жаҳон банки ўз аъзолари бўлмиш 177 мамлакатга кредит бериш билан бирга маслаҳат ва техник ёрдам кўрсатади, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига сармоя сарфлашга кўмаклашади. Банк айни вақтда меҳнат ресурслари, атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда бозор муносабатларини шакллантиришга алоҳида эътибор бераётир.

Шу куни минтақавий тадбир қатнашчилари "Лойиҳалаш жараёни: банк ҳамда заёмчининг тутган ўрни, заём ва кредит битимларини тайёрлаш", "Жаҳон банкининг харид сиёсати: асосий низомлар. Халқаро рақобатли савдоларнинг асосий тамойиллари" мавзуида маърузаларни тингладилар. Халқаро савдода харид тамойил ва услублари, маҳсулот сифатини аниқлаш юзасидан тажрибалар билан танишдилар.

Анжуманнинг дастлабки куни якунида тингланган маърузалар юзасидан муҳокама бўлиб ўтди.

Мазкур семинар 24 ноябргача давом этади.

(ЎзА).

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Қадрли муштарийлар!

Ҳозир республиканинг барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетаси учун 1995 йилга обуна давом этяпти.

Сиз "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетасида республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги янгиликлар, бутун жаҳонда бўлаётган воқеалар, шунингдек, турли рукнлар остида барча соҳаларга, сиёсий партиялар фаолиятларига тегишли маълумотлар билан танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

Яширмаймиз, газетамиз чакана савдога жуда оз миқдорда чиқарилади. Шунинг учун уни мунтазам ўқиб бораман десангиз, унга ОБУНА БЎЛИНГ!

Билиб қўйинг, бизнинг газетамиз обуна баҳоси республика етакчи рўзномалари орасида энг арзонидир.

Фуқаролар учун:
бир йилга — 252 сўм,
олти ойга — 126 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун:
бир йилга — 528 сўм,
олти ойга — 264 сўм.

Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун!

МАҚСАДИМИЗ — ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ТИНЧ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ!

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди СИЁСИЙ ДАСТУРИ

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲУР ФУҚАРОЛАРИ!
АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

1994 йил 25 декабрь — якшанба кунига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар тайинланди. Бу — миллий мустақиллигимиз даврида Ватанимиз давлат ҳокимияти вакиллик идораларининг кўппартиялиликка асосланган дастлабки умумхалқ сайловларидир. Ушбу муҳим сиёсий воқеа мазмун ва моҳият жиҳатидан биз учун тақдириломон аҳамиятга моликдир.

Мамлакатимиз, халқимиз ўзлигимизга хос тараққиёт йўлини танлаб, адолатли жамиятни, ҳуқуқий, инсонпарвар давлатни бунёд этиш сари Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб, дадил бораётганлиги туфайли ҳам бўлғуси демократик сайловларни ўтказиш мумкин бўлмоқда. Мустақил мамлакатимиз Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини шакллантириш, жамиятимиздаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий муаммоларни ҳал этишнинг мустаҳкам заминини яратади. Мазкур заминни ҳаракатга келтириш, ундан самарали фойдаланиш манфаатлари олдимизда турган олижаноб вазифаларни уддалашга муносиб, ўз халқи ва Ватани долзарб эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш йўлида фидокорона меҳнат қилишга, ҳаёт синовларига бардош беришга тайёр, серғайрат, юқори малакали мутахассисларни, обрў-эътиборли кишиларни республикамиз олий қонун чиқарувчи ва давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари таркибига сайлашни тақозо этади.

Халқимизнинг эзгу ниятлари, орзу-умидларини рўёбга чиқаришни ўз фаолиятининг асл мақсади ва бош мазмуни, деб билган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг конституциявий ҳуқуқидан келиб чиқиб, ушбу сайловларда иштирок этишга астойдил бел боғлади.

АЗИЗ САЙЛОВЧИ!

Агар Сиз партиямиз номзодларига ишонч билдирсангиз ва улар Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик идораларида мустаҳкам кўпчиликни ташкил этсалар, биз мустақиллигимиз йилларида қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ўтиш даврининг мураккабликлари боис вужудга келган муаммоларни ечиш, жамиятимиз, давлатимиз, халқимиз, ҳар бир фуқаронинг туб манфаатларига дахлдор қуйидаги устивор масалаларни ҳал қилиш учун барча куч-ғайратимиз, шижоат ва имкониятларимиз билан курашиш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР УЧУН!

Биз халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, инсон шахси камолотини таъминлашнинг ҳал қилувчи омили бўлмиш иқтисодий пойдевор — бозор муносабатларига ўтиш ислоҳотларини изчил давом эттириш ва унинг ҳозирги босқичида ;

мулкнинг аксарият қисмини давлат тасарруфидан чиқариш, уни хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, мулкчиликнинг хилма-хиллигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишнинг энг таъсирчан ва самарали чора-тадбирларини кўриш;

1

янги иқтисодий муносабатларга ўтиш шароитида муҳим ўрин тутувчи молия-кредит тизимини такомиллаштириш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини вужудга келтириш;

озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари, дори-дармон ишлаб чиқаришни, уй-жойлар қуришни кўпайтиришга йўналтирилган ишчан тадбиркорликни ҳар томонлама рағбатлантириш;

ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини таъминлаш, солиқ тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш орқали уларни рағбатлантириш;

халқ ҳунармандчилигининг анъанавий турларини тиклаш ва ривожлантириш, оилавий ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш;

хорижга тайёр молларни чиқариш имконятларини ошириш ва уларни четдан келтиришнинг ўрнини босишни таъминлайдиган халқ хўжалигининг устивор тармоқларига илғор технологияларни жорий этишга йўналтирилган чет эл сармояларини жалб этиш йўлида астойдил ҳаракат қиламиз.

Ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш халқнинг муносиб турмуш даражасини таъминлаши керак!

ОБОД ҚИШЛОҚ, БАДАВЛАТ ДЕҲҚОН, ЧИРОЙЛИ ТУРМУШ УЧУН!

Мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилиги қишлоқ жойларида яшашини ҳисобга олиб, партиямиз Олий Мажлис, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият идораларига сайланган ўз вакиллари орқали қуйидаги вазифаларни илгари суради:

қишлоқда ўтказилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, мулк эгаларига хўжалик эркинлигини бериш ва ўз фаолияти натижалари учун уларнинг масъулиятини кучайтириш;

деҳқон (фермер) хўжаликлари, ширкатлар, бирлашмалар ва акциядорлик жамиятлари учун самарали молиявий ҳамда ишлаб чиқариш инфраструктурасини шакллантириш;

экинзорлар унумдорлигини оширишга қаратилган тадбирларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

хорижий инвестицияларни қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги иш ўринлари яратишга йўналтириш;

яқин келажакда республикамизнинг ғалла мустақиллигига эришиш;

қишлоқ хўжалигига замонавий техника, технология ва транспорт воситалари етказиб бериш, илғор мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш йўли билан меҳнат унумдорлигини ва соҳа самарадорлигини кескин ошириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, уларни қайта ишлаш ва тайёр моллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

саноатни қишлоққа олиб келиш — шаҳардаги завод ва фабрикалар шаҳобчаларини ташкил этиш, кичик корхоналар ва маиший хизмат муассасаларини кўплаб очиш.

Она-ер ўз эгасини топсин, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилсин!

САХОВАТЛИ ВА ГЎЗАЛ ОНА-ТАБИАТ УЧУН!

Аждодларимиздан мерос қолган жаннатмакон ўлкамизнинг қадрига етиш;

2

табиат инъом этган бойликлар, хусусан, ер ва сувдан оқилона фойдаланиш;

саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат соҳаларида экологик соф технологияларни жорий этиш;

ўрмон ва қўриқхоналарни авайлаб-асраш, боғ-роғлару ихота дарахтзорларини, теракзорларни кўпайтириш;

оролбўйининг экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини босқичма-босқич ҳал этиш учун халқаро молиявий ташкилотлар ва жамғармаларни жалб этиш йўли билан Оролни қутқариш дастурини амалга ошириш;

саховатли она-заминни инсон яшаши учун яроқли, озод ва обод Ватан сифатида авлодларимизга қолдириш;

ҳар бир фуқарода мамлакатимизнинг ҳайвонот ва наботот оламига меҳр-шафқат, атроф-муҳитга зарар етказмаслик, она-табиатни эъзозлаш туйғуларини шакллантиришга доир миллий дастурларни ишлаб чиқиш, уларни рўёбга чиқариш, мазкур жабҳаларда халқаро миқёсдаги кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари барча даражалардаги депутатларимиз диққат марказида туради.

Осмонимиз мусаффо, еримиз саховатли, сувимиз зилол бўлсин!

КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА СОҒЛОМ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ СИЁСАТИ УЧУН!

Партиямиз давлат ва бошқарув идоралари фаолиятини:

шаҳару қишлоқдаги меҳнатга лаёқатлиларни иш билан таъминлаш, касб-корга эга бўлиш ҳамда малака ошириш;

ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратиш;

меҳнат ва уруш фахрийлари, афғон уруши қатнашчилари, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва кекса кишиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг давлат тизимини янада ривожлантириш;

хотин-қизларнинг уларга табиат, Аллоҳ-таоло инъом этган она, уй бекаси бўлишдек муқаддас бурчларини бажо келтириш, соғлом авлодни вояга етказишга қўшаётган ҳиссалари янада баракали бўлиши, аёлларни оғир қўл меҳнати ҳамда уларнинг саломатлигига зарар келтирадиган ишлардан ҳоли қилиш, опа-сингилларимизни ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун етарли имкониятлар вужудга келтириш;

жамиятимизнинг табиий пойдевори, давлатимизнинг мустаҳкам таянчи бўлмиш **ҳар бир оиланинг** тўқ ва бадавлат бўлишини таъминлашда иқтисодий ислоҳотлар имкониятларидан кенг фойдаланиш;

ногиронларга муносабат жамият инсонпарварлигининг ўзига хос мезони эканлигидан келиб чиқиб, уларга шарт-шароитлар яратишнинг давлат тизимини такомиллаштириш;

соғлиқни сақлаш соҳасини замонавийлаштириш, **аҳолини** соғломлаштиришга доир аниқ тадбирларни амалга оширишга қаратади.

Биз:

қонунлар устиворлиги, улар олдида жамиятимизнинг барча аъзолари масъуллиги, тенглиги, ҳар бир кишининг онгида қонунга сўзсиз бўйсуниш тамойиллари изчил қарор топиши тарафдоримиз;

3

юртимизда истиқомат этувчи барча миллат ва элатлар вакилларининг тили, маданияти, анъаналарини асраш, миллий-маданий марказлар фаолияти ҳақида ғамхўрлик саъйи-ҳаракатларини амалга оширамиз;

динга ишонувчи фуқароларнинг қайси динга мансублигидан қатъи назар, диний қарашларини ҳурмат қиламиз ва уларнинг манфаатларини Олий Мажлис ҳамда маҳаллий ҳокимият идораларида ифода қилиш мажбуриятини оламиз, ёшларимизни виждонли, инсофли, диёнатли, ҳалол, покиза, раҳм-шафқатли бўлишларида шарқона, исломий қадриятлар муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Турмушимиз фаровон, халқимиз соғлом бўлсин!

МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ ЮКСАКЛИГИ УЧУН!

Партиямиз халқ таълими, олий ва ўрта махсус ўқуви замонавий яхлит тизимини шакллантириш ҳамда уни миллий қадриятларимиз, жаҳон илғор тажрибаси асосида давр талаблари даражасига кўтариш, **боғча-ясли тарбиячилари, мактаб, лицей, коллеж, институт, университетлар профессор-ўқитувчиларининг, медицина ходимларининг** жамиятдаги мавқеини беқиёс ошириш лозим, деб билади.

Жамиятимизда иқтидорли йигит-қизларнинг истеъдодларини намоён қилишлари учун зарур тагзаминни вужудга келтириш, болаларимизни меҳнатсевар, ишбилармон, уддабурон, инсонпарвар, ватанпарвар этиб тарбиялашда "давлат—жамоатчилик — оила" саъй-ҳаракатларида уйғунлик ва самаралилик бўлишини таъминлаш соҳасида қилинаётган ишлар ўта муҳимдир.

Биз кўп асрли бой салоҳиятга эга Ватанимиз фани, хусусан, унинг етакчи соҳаларига эътиборни кучайтириш, маънавий меросимизни тиклаш, маданиятимизнинг муҳим йўналишлари — бадиий адабиёт, театр, кино, мусиқа, қўшиқчилик, тасвирий санъат, халқ амалий санъати, меъморчилик, маърифат масканлари, ноширлик, оммавий ахборот воситалари, матбаачиликни ривожлантириш, **олимлар, ёзувчилар, журналистлар, санъаткорлар, маданият ходимларининг** жамиятда муносиб ўринларни эгаллашлари ва ақлий бисотини юқори баҳолаш тарафдоримиз.

Маънавият ва маърифатни юксак даражага кўтарайлик!

Зиёлиларнинг жамиятдаги мавқеини беқиёс оширайлик!

КУЧЛИ ДАВЛАТ, ИНСОНИЙ СИЁСАТ УЧУН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси давлат ҳокимияти вакиллик идораларидаги ўз депутатлари орқали:

Конституция ва қонунларга тўла риоя қилиш, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларининг ўзаро мувозанатини, уйғунлашувини таъминлаш, жамият ҳаёти ва ривожланишининг ҳуқуқий асосларини яратиш, сиёсий бошқарув тузилмаларини такомиллаштириш, мустақилликнинг сиёсий негизларини мустаҳкамлаш;

барча бўғинлардаги бошқарув идораларининг халқ ва мамлакат манфаатлари йўлида рисоладагидек ишлашига эришиш;

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизимида маҳалланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш;

4

халқимизнинг тарихан таркиб топган демократик анъаналарига, миллий ва умуминсоний қадриятлар, одобахлоқ ва инсонпарварлик қоидаларига, Ватанимиз ҳамда жаҳон илғор тафаккурининг ютуқларига асосланиб жамиятнинг барча аъзолари туб манфаатларини уларнинг ижтимоий аҳволи, келиб чиқиши, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар пухта ҳимоя қилишнинг зарур чораларини кўради.

Демократия — инсоний ҳаётимизнинг сиёсий шарти, ҳуқуқ ва бурч уйғунлигидир!

Ҳамма жойда мустаҳкам тартиб ва интизом ўрнатайлик!

ЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ҲУКМРОНЛИГИ УЧУН!

Ўзбекистон заминида туғилиб, унинг равнақига, дунёга танилишига ўзбеклар билан бир қаторда ҳисса қўшган қорақалпоқлар, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар, руслар, украинлар, татарлар, уйғурлар, яҳудийлар, корейслар, озарбайжонлар, турклар, арманлар, немислар, бошқирдлар, греклар, форслар ва бошқа, жами юздан ортиқ миллатларнинг вакиллари бугунги кунда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида ҳормай-толмай меҳнат қилаётганликларини ҳисобга олиб, партиямиз:

республикада яшовчи барча халқларнинг миллий анъаналари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш асосида жамиятни сиёсий усуллар билан бирлаштиришга ҳаракат қилади, шовинизм ва миллатчиликни, миллатлараро ва ижтимоий можароларнинг авж олдирилишини, улар қайси шаклда намоён бўлишидан қатъи назар, тамомила рад этади;

5

республикамизнинг ҳар бир фуқаросида "Ўзбекистон — барчамиз учун азиз ва мўътабар Ватан", "Биз — ягона оиланинг фарзандларимиз", деган туйғуларни шакллантиришга фаол кўмаклашади;

фуқароларимизни ҳушёр бўлишга, мамлакатимизда мавжуд барқарорлик, ўзаро тушуниш ва ҳамкорликни сақлашга даъват этади.

Ўзбекистонимизни тинчлик, осойишталик ва барқарорликнинг мустаҳкам қўрғонига айлантирайлик!

Азиз Ватанимизни асраб-авайлайлик, улуғлайлик, шону-шуҳратга буркайлик!

ЖАҲОНДА ТИНЧЛИК ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК УЧУН!

Буюк аждодларимиз — ал-Форобий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Исмоил Бухорий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Бердах ва бошқа алломалар илму фанга, маънавият хазинасига қўшган бебаҳо ҳиссалари билан юртимиз довруғини оламга тараттганликлари;

улуғ бобомиз соҳибқирон Амир Темурнинг қудратли давлат барпо этиб, Шарқу Ғарб мамлакатлари билан дўстона муносабатларни ўрнатганлиги;

"Буюк ипак йўли"нинг марказида жойлашган ўлкамиз узоқ йиллар давомида Осиёни Оврупо билан боғловчи муҳим кўприк бўлиб хизмат қилганлиги мустақил Ўзбекистоннинг, эндиликда, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашининг мустаҳкам тарихий-маънавий заминидир.

6

Биз давлатимизнинг мана шундай бетакрор заминига суянган ҳолда:

ялпи тинчлик, халқаро хавфсизлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка йўналтирилган ташқи сиёсатни, хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни собитқадамлик билан амалга оширишига;

минтақамиздаги нотинч нуқталар — Афғонистон ва Тожикистонда барқарорликка эришишга қаратилган янги ташаббуслар билан чиқишига;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги фаолиятини амалий ишлар ўзанларига кўчиришига, Россия билан алоқаларимизни янада кенгайтиришига, Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий, сиёсий, маданий ва мудофаа соҳасидаги ҳамкорлигини чуқурлаштириш сари янги қадамлар қўйишига эришамиз.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлайлик!

ТИНЧ-ОМОН, ОЗОД ВА ОБОД ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловолди Сиёсий дастурининг бош мазмуни асосан шулардан иборат. Унда, кўриб турганингиздек, ҳар бирингизнинг манфаатларингиз, шубҳасиз, сизни қизиқтираётган кўплаб муаммолар мужассамланган. Биз дабдабали ваъдалар бермаймиз, бажариб бўлмайдиган ишларга, хаёлот оламига ҳеч кимни чорламаймиз. Биз ушбу масалаларни ечишга қаратилган қонунлар, фармонлар, қарорлар, дастурларни тўла амалга оширишни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз.

Партиямиз Президентимиз И. А. Каримов амалга ошираётган сиёсатнинг мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат қилади, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайланган ўз вакиллари орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимидаги масъул лавозимларга ишчан, ташкилотчи, билимдон, юқори малакали, халқ манфаатлари йўлида ҳалол ишлайдиган раҳбарларнинг сайланиш ёки тайинланишларини йўлга қўйишда фаол қатнашади ва уларнинг фаолиятини давр талаблари даражасида йўналтиришга таъсир кўрсатиб боради.

ҲУРМАТЛИ САЙЛОВЧИ!

Депутатларимиз давлат ҳокимиятининг ягона манбаи халқ эканлигидан келиб чиқиб, ўз фаолиятларида Сизга таянадилар, Сиз билан маслаҳатлашиб турадилар, ўз ишлари тўғрисида Сизга ҳисобот бериб борадилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси — Сизнинг партиянгиз! Сизнинг манфаатларингиз, қувончу ташвишларингиз — унинг манфаати, қувончи ва ташвишидир.

ҚАДРЛИ ОТАХОНЛАР, МЎЪТАБАР ОНАХОНЛАР!
АЗИЗ ОҒА-ИНИ, ОПА-СИНГИЛЛАР!

Партиямизнинг халқчил сиёсатини унинг вакилларига овоз бериш билан қўллаб-қувватланг!

Юртимиз обод, ҳаётимиз фаровон, осмонимиз мусаффо бўлишини истасангиз Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзодлари учун овоз беринг!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси навбатдан ташқари II қурултойида 1994 йилнинг 1 ноябрь куни қабул қилинган.

Ислоҳот чорраҳаларида

ЯХШИНИНГ ШАРОФАТИ

БОЕВУТ ТУМАНИДАГИ "ДЕҲҚОНОБОД" ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ РАИСИ, ХДП ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ БЮРОСИ АЪЗОСИ НЕЪМАТИЛЛО УМУРҚУЛОВ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Йилнинг дастлабки ойи. У эндигина шифохонада даволанишни бошлаётган эди. Кутилмаганда хонасига бир гуруҳ ҳамқишлоқлари кириб келишди.

— Сизни ўзимизга раис қилмоқчимиз, — дейишди улар саломалик ва ҳол-аҳвол сўраганларидан кейин асосий муддаога ўтишиб.

Орадан бирор ҳафта ўтар-ўтмас унинг олдига яна одамлар келишди. Бу сафар — туман ҳокими, ёнида масъул кишилар ҳам бор. Яна ўша гап...

Клубга олдиндан йиғилиш чақирилиб қўйилган экан. Унинг назарида, кўпчиликнинг нигоҳи унга ҳайрихохлик билан боқаётгандек эди. Бу йигитнинг қалбига ёқимли туйғуларни индирди. Қалбдаги безовталик тўлқинлари босилаётгандай бўлди.

У кўп гапириб ўтирмади, дилидагиларни лўнда ва содда қилиб баён этди:

— Ҳурматли ҳамқишлоқлар, ҳурматли оталар ва оналар, акалар ва укалар, энг аввало билдирган катта ишончларингиз учун минг бор қуллуқ. Рости, мен бунақа бўлишини асло кутмаган эдим. Йиғин давомида бу ерда кўп гаплар бўлди, аччиқ гаплар учун ҳам, чучуклари учун ҳам раҳмат. Олдиндан айтиб қўяй, сайлаш ёки сайламаслик албатта сизларнинг ихтиёрингизда. Раис бўлсам — у ишни қиламан — бу ишни қиламан, дея катта ваъдалар бермоқчи эмасман.

Мен ҳам сизларга ўхшаган битта оддий одамман, ҳамма ўз ишини билиб қилиши, ҳамма ўз ўрни учун жавоб бериши керак. Акс ҳолда жамоанинг ҳеч қачон косаси оқармайди, ҳар биримиз ўзимизга талабчан бўлайлик, ҳалол меҳнат билангина колхознинг олдинги обрўйини тиклашимиз мумкин. Шунга ким чидаса — ишласин, бўлмаса — хафа бўлиш йўқ. Ишончларингиз учун эса яна бир бор катта раҳмат.

...Уни якдиллик билан, бир овоздан сайладилар.

...Қишлоқда ўтган болалик ва ўсмирлик йиллари, техникумда ўқиш, сўнг оддий колхозчилик, армия хизмати, хўжаликка қайтгач, ўз тенгқурларига бош бўлиб, комсомол ташкилотини бошқаргани, кейин эса уни туман комсомолларига етакчи этиб тайинлашгани, шу йиллар мобайнида сиртдан ўқиб, инженер-механик малакасини эгаллаб олгани, икки йиллик олий партия мактабида таҳсил кўргани, кейин уни ўз хўжалигига партком котиби этиб сайлашгани, сўнг райком партия котиблиги, пировардида янги ташкил этилган ХДП туман кенгашининг биринчи котиблиги — ҳамма-ҳаммаси ортда қолди.

Раис вазиятни қайтадан ўрганиб чиқди. Фаоллар, ноиблар, қишлоқларнинг оқсоқоллари, иқтисодчилар билан маслаҳатлашди. Кўпчиликнинг фикрини олгач, амалий ишларни бошлаб юборди. Ҳар дам, ҳар кун ғанимат эди. Чунки остонада баҳор турибди.

Хўжалик ҳудудида жами 8 та қишлоқ бор. Улар орасида марказдан олисроқда жойлашган ва аҳолиси нисбатан камроқ бўлган Бўз қишлоқларида шароит оғирроқ. Шунингдек, Гулистон, Қаҳрамон, Комсомол сингари бошқа қишлоқларнинг ҳам ўзига яраша дардлари, муаммолари бор. Ана шу муаммоларнинг йил сайин ечимини топмаётгани одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган, шикоятбозликни келтириб чиқараётган эди.

Раис биринчи галда тўртта қишлоқни газлаштириш масаласини ҳал этишга киришди. Улар орасида ана шу Бўз қишлоқлари ҳам бор эди. Шу билан бир қаторда 6 та қишлоқ йўлларига асфальт ётқизиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Илгари Комсомол қишлоғида болалар боғчаси қурилиши тўхтатиб қўйилган эди, у яна бошлаб юборилди. Хўжаликнинг йирик қишлоғи "Гулистон"да 417 ўринли, Қаҳрамон қишлоғида эса 190 ўринли мактаб биноларини қуришга киришилди. Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув билан ҳам таъминлаш чоралари кўрила бошланди. Йил охирига келиб бошланган ана шу хайрли ишларнинг деярли барчаси ниҳоясига етказилгани қувонарли ҳол бўлди, хўжаликда 21 километр йўл асфальтланди. 17 километр масофага газ ўтказилди. Юқорида тилга олиб ўтилган икки янги мактаб ва бир боғча ўз бағрига қишлоқ ёшларини қабул қилди.

Ўтган йил бошларида хўжаликда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Қурилиши чала қолган маиший хизмат уйи биноси қайтадан тикланиб, қишлоқ врачлик амбулаторияси барпо этилди. Бунга хўжаликнинг 3 миллион сўмга яқин маблағи кетди. Лекин жамоа аҳлининг деярли кўп йиллик орзулари рўёбга чиқди. Улар ўз шифохоналарига ва "Тез ёрдам" машиналарига эга бўлдилар.

Шундай қилиб, бир-икки йил ичида хўжаликнинг маданий, ижтимоий қиёфасида баъзи ўзгаришлар сезила бошлади. Энг муҳими, унинг иқтисодий қиёфасини ўзгартирмоқ лозим эди.

Иқтисодий ислоҳотлар сурони шиддат билан бостириб келаётган ҳозирги пайтда бригада усули кўпдан ўзини оқламай қўйган, буни Умурқулов олдиндан сезиб юрар эди.

У мутахассислар, фаоллар, иқтисодчилар билан маслаҳатлашиб, ишлаб чиқаришга звено усулини жорий этишга қарор қилди. Бу тадбирни кўпчилик маъқуллаб чиқди.

Янги тартибга кўра ҳар қайси звенони маълум соҳага ихтисослаштиришга қарор қилинди. Олдингидек бир жойда ҳам пахта, ҳам ғалла, ҳам полиз экинлари экилмайди. Ҳар ким ўз танлови асосида маълум соҳада деҳқончилик қилади.

Фойдасини ҳам, зарарини ҳам ўзи кўради. Шунингдек, томорқадан фойдаланиш ишига ҳам янгилик киритилди. Раис кимки ўз ҳовлисидаги томорқа ерини ишлатса, экин экиб даромад оламан деса, ёрдам беражагини, аммо даланинг у ер — бу еридан ўғирликча жой олиб, ундан фойда кўрмоқчи бўлганларни қўлламаслигини айтди. Бунинг ўрнига бутун кучи, меҳнати, билимини звеносидаги экинзорларга сарфласин ва албатта шунга яраша фойдасини ҳам кўрсин. Хуллас, бу ташаббус ҳам кўпчилик томонидан маъқулланди.

Ташкилий ишлар бир ёқли ҳал этилгач, тезлик билан чала қолган ерларни шудгорлаш, ўғитлаш ва суғоришга киришилди.

— Қийинчиликлар ҳам бўлгандир? — сўраймиз раисдан.

— Звенолар кўпайгач, трактор талашадиганлар кўпайди, дастлабки пайтда шу нарсадан анча қийналдик, — дейди Неъматилло Умурқулов, — лекин ҳамма бир жамоанинг одамлари эмасми, аста-секин бир-бирларини тушунадиган, ён босадиган, керак бўлганда сабр қиладиган, энг муҳими, трактор ажратиладиган кунлардан имкон борича самарали фойдаланишадиган бўлиб қолдилар. Бора-бора эса бу нарсалар ўз-ўзидан изга тушиб кетди.

Қўрилган тадбирлар дастлабки йилдаёқ ўз самарасини берди. Пахта тайёрлаш йиллик режасини жамоа хўжалиги туманда биринчилардан бўлиб адо этди. Ҳосилдорлик хўжалик бўйича биринчи йилдаёқ деярли икки центнерга ўсди. Натижада четга д влат буюртмасидан ташқари 176 тонна пахта толаси сотилди. Бу аввалги йилдагидан деярли 66 тонна кўп эди. Хўжалик пахтачиликдан яхши даромад қилди. Банклар, молия идоралари, ташкилотлардан қурилиш ва ободончилик учун олган қарзларидан ҳам еярли қутилиб олди, Энг муҳими, йил охирига келиб одамлар қўлига арзигулик пул тегди.

Хўжалик оёққа тура бошлаган, эл-юрт дасатурхонига файз-барака кира бошлаган эди.

Ўтган ҳосилдорлик йили бутун Сирдарё вилояти деҳқонлари учун оғир келди. Буни кўпчилик яхши эслайди. Шундай оғир йилда вилоят бўйлаб тарқалган хушхабар одамларнинг қалбида ёқимли из қолдирди. Вилоят бўйича жами ўша йили 11 хўжалик маррага етди. Ана шуларнинг энг биринчиси ва энг йириги — "Деҳқонобод " жамоа хўжалиги эди...

Айтайлик, балки ўтган йили ёш раиснинг ҳам, унинг атрофидагиларнинг ҳам бир омадлари чопиб, шундай бўлиб қолгандир. Ахир ҳаётда ана шундай ҳоллар юз бериб туради-ку? Бир-икки йиллик ғалаба билан раҳбар ва унинг атрофидаги одамлар қобилияти ҳақида узил-кесил хулосалар чиқариш мумкинми, дейдиганлар ҳам топилиши мумкин. Тўғри, икки йиллик ютуқ катта хулосалар чиқаришга эрта. Шунинг учун бу йилги натижаларга ҳам эътибор қилиб кўрайлик.

Бутун мавсум давомида боёвутликлар йиғим-теримда вилоят туманлари ўртасида пешқадамликни қўлдан бермай келдилар. Лекин ҳозирча маррага озгина етмай турибди. "Деҳқонобод"ликлар эса бу сафар ҳам туман эмас, вилоятда ҳам биринчилардан бўлиб маррага етдилар.

Хўжалик раҳбари Неъматилло Умурқулов, бош ҳисобчи Маҳмуджон

Хотамовларнинг таъкидлашларича, бу йилги пахтачиликдан 4 миллион 121 минг сўм даромад олинди. Шунингдек, давлат буюртмасидан ортиб қоладиган ҳосил толасидан ҳам 3 миллион сўм даромад олиш кўзда тутилаётир. Хўжалик пахтачиликнинг ўзидан бу йил камида 2 миллион сўм соф фойда олади.

Кўриниб турибдики, "Деҳқонобод"ликларнинг сурункасига уч йилдан бери эришиб келаётган юқори натижалари тасодифий ҳол эмас.

Хўжаликда ғаллачиликни ривожлантириш соҳасида эришилаётган натижалар ҳам эътиборга лойиқ. Жумладан, бу йил жами 360 тонна ғалла олиш режалаштирилган эди. Амалда эса 1006 тоннадан зиёд ғалла олинди. Ҳосилдорлик гектар бошига 35 центнерга етказилиб, бу борада ҳам вилоятдаги энг юқори кўрсаткичлардан бирига эришилди. Ғаллачиликдан ҳам 150 минг сўм фойда кўрилди.

Хўжаликда сабзавот турлари, узумчилик ва боғдорчилик соҳалари кенгайтирилмоқда. Жамоада бўлса — фойдасини халқ кўради. Бир пайтлар чорвачилик анча оқсаб қолган эди. Кейинги йилларда бу сермашаққат соҳа ҳам тикланмоқда. Гўшт етиштириш ва давлатга сотишда аҳоли билан шартнома асосида иш олиб борилмоқда.

Қари билганни — пари билмас, деган нақл бор. Раис ўз юрти қариялари, ҳурматли отахонларини алоҳида меҳр билан эъзозлайди. Улар билан тез-тез учрашиб, маслаҳатлар олиб туради.

Эл-юрт ишончини қозонган, уларнинг чин меҳрига сазовор бўлган бундай инсонлар билан фахрлансанг, ишонсанг арзийди. Чунки улар эл юкини ерда қолдирмайдилар, ўқиш, ўрганиш ва олға интилишдан толиқмайдилар. Юртимизнинг эртаси аслида ана шундай кишиларнинг сайъ-ҳаракатлари, жасоратларига боғлиқдир.

Абдужалил УМАРОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

***

Суратни Нурмамат АЛМУРОДОВ олган.

Китоб жавонингизга

ЎЗБЕКНИ ТАНИТАДИГАН РИСОЛА

Ўзбек тилида кенг омма ўқийдиган тарихий ва этнографик асарлар деярли йўқ эди. Шунинг учун ҳам таниқли этнограф ва социолог олим, кўпгина илмий ва оммабоп асарлар муаллифи, профессор Исо Жабборовнинг "Ўзбек халқи этнографияси" номли китобининг нашр қилинишини қувончли бир воқеа десак янглишмаймиз. Мазкур асар хилма-хил манба ва адабиёт, тарихий-этнографик материаллар асосида фаннинг сўнггги ютуқларига таянган ҳолда ёзилган. Унда этносоциология ва тарих соҳасида кейинги йилларда фан қўлга киритган барча янгиликлар мужассамланибгина қолмай, балки муаллифнинг изчил мулоҳазалари, тадқиқий изланишлари, назарий ва амалий жиҳатдан муҳим ўй-фикрлари, фойдали таклифлари ўз ифодасини топган.

Биринчи марта ўзбек халқи этнографиясини тўлалигича таърифлаган бу асар бошқа тадқиқотлардан теранлиги, фактларнинг бойлиги, мантиқий пухталиги билан ажралиб туради.

Китоб этнография фани, унинг моҳияти, муаммолари, узоқ тарихи тўғрисида ҳикоя қилади. Кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларида, айрим илмий асарларда ўзбек халқи этногенези, яъни келиб чиқиши тўғрисида турли фикрлар баён этилган. Мазкур китобнинг махсус "Ўзбеклар шажараси ва авлод-аждодлар муаммоси" деб номланган бобида археология-этнография ва тарих соҳасидаги сўнгги тадқиқотларга асосланган ҳолда жиддий ва дадил фикрлар изҳор этилган.

Асарда неолит даврида пайдо бўлиб, асримиз бошларига келиб тўла шаклланган зироатчилик хўжалиги ва анъанавий агротехника, деҳқончилик ва сув хўжалиги, чорвачилик, ҳунармандчилик ва уй-рўзғор касблари, транспорт воситалари ва савдо-сотиқ тўғрисида ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилган. Ўзбек халқининг ўтмишдаги ижтимоий-иқтисодий тузуми, маҳаллачилик анъаналари, оилавий маиший турмуши, халқ байрамлари, ўйин ва маросимлари тўғрисида қизиқарли маълумотлар махсус бобларда келтирилган. Ноёб ва янгича талқин қилинган. Ўтмишда ва ҳозир ҳам маънавий маданиятимизнинг таркибий қисми ҳисобланган диний тасаввурларнинг, жумладан, ибтидоий динлар билан бир қаторда исломнинг ҳам анъанавий турмуш тарзимиздаги ўрнини илмий жиҳатдан ҳаққоний кўрсатиб, муаллиф диний қарашларга муносабат Конституциямиз қонун-қоидаларига тўла риоя қилиш орқали намоён бўлишини қайд этган.

Рисолада миллий маданият, илм-маърифат ва нафосат масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор И. Жабборовнинг қизиқарли ва ҳавас билан ўқиладиган, ўқувчини ўйлантирадиган мазкур тадқиқоти ўзбек халқида меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотибгина қолмай, балки ёшларни ватанпарвар ва садоқатли қилиб тарбиялашда ҳам муҳим восита ўрнини бажаради. Агар китоб ҳар бобга тегишли расмлар, чизма ва бошқа тасвирлар билан безатилганда унинг таъсирчанлиги яна ҳам ортган бўларди. Қолаверса, асар чет эллик сайёҳларга мўлжаллаб рангли безатилган ҳолда инглиз, араб, рус ва бошқа тилларга таржима қилинса, деган истагимиз бор.

Собир КАМОЛОВ,
академик, Ўзбекистон Республикасида ва Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби.

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

Сурхондарё вилояти кўчмас мулк биржаси ишбилармон ва тадбиркорларни 30 ноябрда Термизда ўтказиладиган ким ошди савдосига таклиф этади!

САВДОГА ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

РЕСТОРАН
Қумқўрғон туманидаги Ш. Мирзаев номли жамоа хўжалигида жойлашган.
Бошланғич баҳоси 60 минг сўм.

ЧОЙХОНА
Қумқўрғон туманидаги Ш. Мирзаев номли жамоа хўжалигида жойлашган.
Бошланғич баҳоси 25 минг сўм.

ОШХОНА
Шеробод туманидаги Наврўз жамоа хўжалигида жойлашган.
Бошланғич баҳоси — 60 минг сўм.

ҲАММОМ
Шеробод туманидаги Наврўз жамоа хўжалигида жойлашган.
Бошланғич баҳоси 50 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН МАЪМУРИЙ БИНО САНОАТ БАЗАСИ
Қизириқ туманида жойлашган.
Бошланғич баҳоси — 63 минг сўм.

"ОРОМ" ОШХОНА ВА ЧОЙХОНАСИ
Узун туманидаги "Ғалаба" маданият ва истироҳат боғида жойлашган.
Бошланғич баҳоси 60 минг сўм.

ДЎКОН
Жарқўрғон туманидаги Какайти қишлоғида жойлашган.
Бошланғич баҳоси 60 минг сўм.

КОНСЕРВА ЦЕХИ
Музработ тумани С. Сатторов жамоа хўжалигида жойлашган.
Бошланғич баҳоси 94 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ПИЛЛАЧИЛИК КОМПЛЕКСИ
Музработ тумани Халқобод қишлоғида жойлашган.
Бошланғич баҳоси 221040 сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН 20-МЕБЕЛЬ ДЎКОНИ
Термиз шаҳри Жўрабоева кўчасида жойлашган.
Бошланғич баҳоси 131197 сўм.

"НУРЖАЛИЛ" ФИРМАСИ
Термиз туманидаги Учқизил посёлкасида жойлашган.
Бошланғич баҳоси 800 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ТАЙЁРЛОВ ЦЕХИ
Термиз шаҳри 5-кичик даҳасида жойлашган.
Бошланғич баҳоси 199175 сўм.

ДОРИХОНА
Термиз туманидаги Учқизил посёлкасида жойлашган.
Бошланғич баҳоси 44 минг сўм.

МЕҲМОНХОНА
Бойсун тумани марказида жойлашган.
Бошланғич баҳоси 68 минг сўм.

РЕСТОРАН
Термиз шаҳрида жойлашган.
Бошланғич баҳоси 220 минг сўм.

ШАХСИЙ ҲОВЛИ
Музработ тумани Халқобод қишлоғи М. Турсунзода кўчаси, 6 да жойлашган.
Бошланғич баҳоси 250 минг сўм.

Термиз шаҳри Жўрабоева кўчаси **16-уйдаги 29-квартира.**
Бошланғич баҳоси 25 минг сўм.

Мурожаат учун телефонлар:
Термиз шаҳри 3-54-75, 3-00-25
Тошкент шаҳри 67-32-71, 68-44-56



РИШТОН СОПОЛЛАРИ.

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПУЛ ТОПИШ УЧУН ТИЛ ТОПИШГАНЛАР

Катта фойдани мўлжалга олган Қарши туман маиший хизмат уйи пахта титиш цехининг мудири Бешкент пахта тозалаш заводининг Қарши шаҳридаги юк ортиш майдончасини айланиб юраркан "Анаву кранчи кўнса, бу ёғи беш бўлиб кетардию" деган фикрни хаёлидан ўтказди.

Пул топиш учун аввало тил топилса бас экан. Кранчи ҳам "Ака, у ёғи беш бўлса, биз буёғини ўн қилиб юборамиз" деди.

Кранчининг рози бўлганидан хурсанд пахта титувчи "акамиз" заводдан арзимаган пулга баҳолатиб олган икки тонна пахта толасини энди ортмоқчи эдики, ип тескарисига кетди. Жиноятчилар қўлга олиндилар.

БОСҚИНЧИЛАР КИМ?

Мирзо Улуғбек туманида яшовчи котиба қизнинг уйига бостириб кирган ниқобли босқинчилар ким эканлигини аниқлаш ички ишлар ходимлари учун осон бўлмади. Йигирма ёшли қизнинг белига пичоқ уриб уйидан чет элда ишлаб чиқарилган магнитафон ва бошқа буюмларни "гумдон" қилиб кетган йигитларнинг иккови ростдан ҳам кимлар экан. 1976 йил туғилган В. Ким ва 1975 йилда туғилган С. Ким ўртоғи И. Тянь билан жабрланувчига нафақат жабр, балки тан жароҳати етказишгани учун ҳам жавоб беришмоқда.

ОЛТМИШ ЁШЛИ ЧЎНТАККЕСАР

Бирор киши сочига оқ оралаган одамни кўрсатиб, эҳтиёт бўлинг, шу одам чўнтагингизни шилиб кетиши мумкин деса "жиннимисан" деб қўясиз. Унда мана бу ёғини ўқинг.

Бухоро шаҳар деҳқон бозорида рўзғорга керакли ул-бул харид қилиб юрган аёл тўсатдан додлаб қолди. Чунки у шу дам киссавур чўнтагини қоқлаб кетганлигини сезиб қолганди-да.

Жабрдийда аёлнинг фаредини эшитган ички ишлар ходимлари дарҳол чўнтаккесарнинг изидан тушишди.

Қирғизистон Республикасининг Жалолобод шаҳрида яшовчи, муқаддам судланган 60 ёшли отахон "ўрганган кўнгилда, бир хумори тутганди, дея" қилмишини тан олди.

ДАРОМАД ОРТИДАГИ БУРОМАД

Россия шаҳарларига бориб катта пул топиб келган тижоратчиларнинг суҳбатида бўлган сурхондарелик икки ўртоқ ҳам гапни бир жойга қўйишдию, ул-булни катта "КамАЗ"га ортиб жўнаб қолдидар. У ёқдан қанча пул билан қайтди, бу ёғи номаълум, аммо яқинда ички ишлар ходимлари бу икки тижоратчи йигитнинг катта "операциясини" фош этиб қўйди.

Дарвоқе, у томонлардан нафақат мўмай пул, балки қадрдон дўст ҳам орттириб келган бу икки йигит "менга пиёз топиб беринглар", деб узоқ юртдан келган тижоратчи дўстини сертакаллуфлик билан сийлашади. Аммо унинг катта миқдордаги пулини кўриб хаёли бузилади ва дўстларини тонтача "тинчитиб" қўйишади. Ҳозир уларнинг иши терговда.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ Матбуот маркази ходими.

Ранг-баранг олам

ЎҚУВЧИ-ОНАНИНГ ҚИЛМИШИ

Челнов шаҳар турар жой мавзеларида истиқомат қилувчи икки йўловчи антиқа топилмага дуч келишди. Ерда ётган бу ўрамни очиб қарашса янги туғилган ўғил бола экан. Улар зудлик билан ташландиқни туғруқхонага элитиб, шифокор назоратига олишди. Воқеадан хабар топган милиция ходимлари эса унча қийналмасдан мурғакнинг онасини топишди. Маълум бўлишича, у маҳаллий ишчи-ёшлар мактабининг вояга етмаган ўқувчиси экан. Талаба — она гуноҳдан "қутулиш" йўлини ахтариб, кўзи ёригандан кейин боласини иккинчи қаватдан улоқтирган экан. Ҳайтовур, боланинг фаришташи бор деганларидек, мурғакка ҳеч қандай зиён-заҳмат етмабди.

СОДДАЛИК ҚУРСИН

Одамзот умр бўйи ўрганаркан. Бу нақлни Хитой университетларидан бирида ўқитувчилик қилувчи икки ёш эр-хотин узоқ вақт эслаб юришса керак. Сабаби, улар турмуш қурганларидан кейин бир йил ўтгач шифокорга мурожаат этиб: нима учундир кўпайишмаётгани ҳақида шикоят қилишган. Фаросатли шифокор эса келинчак билан суҳбатдан кейин бунинг сабабини аниқлади. Маълум бўлишча, ҳали у онаси ўпмаган бокира қиз экан. Эр-хотин билан ўзаро суҳбатдан кейин шу нарса аён бўлдики, фарзанд кўриш борасида уларга ҳеч ким ҳеч нарса демаган экан. Шу боис улар шунчаки ётиб-туриш, тиниқиб ухлаш фарзандли бўлиш қувончини келтиради, деб ишонар эканлар. Ҳа, соддалик қурсин-а. Келин янга билан куёв жўра қаёққа қарашган экан?!

ЮЗДАН ОШГАНДА МАКТАБГА

Ўқиб ўрганишнинг ҳеч кечи йўқ, деганлари тўғри экан. Бўлмаса аср ошиб, 102 баҳорни кўрган Тоскана областининг Ливорно шаҳрида истиқомат қилувчи Карло Виллани номли отахон кутилмаганда мактабга бориб, илмий мудирга 1901 йилда тўлдирилган баҳолар табелини берармиди?! Бор йўғи уч синф билимига эга бўлган бу қария қандай бўлмасин ўқиб-ёзишнинг тезкор услубини қўллашларини илтимос қилган.

ЧЕККАНДАН ИЧГАН ЯХШИРОҚ

Ҳиндистонлик табобатчилар ана шундай хулосага келишди. Бонси чекиш озамас-кўпамас 25 та касалликни келтириб чиқариш омилларидан саналаркан. Шунинг учун кашанда бўлишдек ёқимсиз одатни ташлаб, ўрнига кунига 1-2 қадаҳдан ичиб туришни тавсия қилишмоқда. Бу билан инсон саломатлигини соғломлаштириш, тетиклаштириш мумкин бўларми?

"СОВҒА"

ЛОТЕРЕЯСИ ОРҚАЛИ СИЗ ЎЗИНГИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН НАРСАНГИЗГА ЭРИШИШИНГИЗ МУМКИН

ҲАЛИ БУНАҚАСИ ҲЕЧ БЎЛМАГАН. *"СОВҒА"* ЛОТЕРЕЯСИ БИРОР БИР БУЮМНИ ЮТИБ ОЛИШИНГИЗ УЧУН ЕТАРЛИ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ. ЛОТЕРЕЯ ЮТУҚЛАРИДА АВТОМОБИЛЛАР, ВИДЕОАППАРАТУРАЛАР, ТЕЛЕВИЗОРЛАР, ТУРЛИ ХИЛ МЕБЕЛЬ ЖАМЛАМАЛАРИ, ГИЛАМЛАР ВА БОШҚА КЎПЛАБ КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ БОР.

УНДА ЮТИБ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ҒОЯТ КАТТА. ЎЗИНГИЗ ЧАМАЛАБ КЎРИНГ, ЛОТЕРЕЯ БЎЙИЧА ЮТУҚЛАР СУММАСИ ЧИҚАРИЛГАН СУММАНИНГ 70 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ



БИЛЕТ БАҲОСИ — 10 СЎМ. *"СОВҒА"* ЛОТЕРЕЯСИНИ ХАРИД ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ! ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ 1994 ЙИЛНИНГ 28-29 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

***"СОВҒА"* лотереясси билетлари "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларида, ҳамма алоқа бўлимларида, савдо корхоналарида ва жамоатчи тарқатувчилар орқали сотилади.**

***"СОВҒА"* ЛОТЕРЕЯСИ — ОИЛАНГИЗ УЧУН АЖОЙИБ СОВҒАДИР!**

"СОВҒА" лотереясини сотиб олсангиз қимматбаҳо ютуқ эгаси бўлишингиз мумкин. Сизни автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель жамламалари ва шунингдек бошқа халқ истеъмоли буюмлари кутмоқда.

ЎЙНАНГ ВА ЮТИБ ОЛИНГ!

ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

Ўзингизни қизиқтирган батафсил маълумотларни эса Сиз "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан олишингиз, шунингдек 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95 телефонлари бўйича ҳам олишингиз мумкин.

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

МАРКАЗИЙ БАНК

ЖАМҒАРМА БАНКИ

"ЎЗБЕКСАВДО" "ЎЗБЕКБИРЛАШУВ"

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими — 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-51-35; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А – 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилди – 22.00. Г – 1228, 72841 нусхада босилди.

Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, А. РЎЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

топширилди – 23.00.

1 2 3 4 5 6.